



## АКАДЕМИК М.ҚЎШЖОНОВ ИЖОДИДА ХРОНОЛОГИК ОБЗОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Жамолова З. Н*

БухДУ мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада академик М.Қўшжоновнинг хронологик обзор мақоласи ҳақида фикр юритилади, унинг адабиётшунослигимиз учун муҳим жиҳатлари очиб берилади.

**Калим сўзлар:** адабий танқид, жанрлар, адабий обзор, шарҳ, мунаққид, маҳорат, давр, таҳлил.

Ётуқ танқидчи ва адабиётшунос, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор М.Қўшжонов ўзбек танқидчилигида сермахсул ва салмоқдор тадқиқотлари билан алоҳида ажралиб туради. Олимнинг "Маъно ва мезон", "Моҳият ва бадиият", рус тилидаги "Талант қирралари", "Ойбек маҳорати", "Маҳорат масъулияти" номли китоблари ҳозирги ўзбек танқидчилигининг муҳим ютуқлари ҳисобланади. Олим адабий танқиднинг турли жанрларида ижод қилди. Айниқса, унинг илмий-назарий, хронологик обзорларида адабиётшунослигимиз учун муҳим бўлган муаммолар тадқиқ этилгани кўринади.

Хронологик обзорда маълум йиллар (даврлар)да яратилган бадиий асарлар ўша давр контекстида ундаги ижтимоий-эстетик муносабатлар фонида адабий жараёнга хос тамойилларни умумлаштиришни назарда тутди. Ўзбек танқидчилигида ХХ асрнинг 60-90-йиллардаги тараққиётида хронологик обзор етакчилик қилади<sup>1</sup>. «Йиллик обзор туркум (цикл) каби ўзида муаммоли мақола, монографик тақриз, паралелл ва сатира элементларини акс эттирадиган синтетик жанрдир»<sup>2</sup>.

Академик М.Қўшжонов ижодида хронологик обзор ҳам кўп учрайди. Масалан, "Катта ҳаёт ва ижод оқими" обзорида ўзбек адабиётининг беш йиллик даври (1970-75) обзор қилинади. Олимнинг қуйидаги фикрлари унинг адабий обзор жанрида ёзилганлигини тасдиқлайди: "Халқимиз ҳар бир тарихий даврда фақат иқтисодий ва сиёсий ютуқларгагина эмас, балки қўлга киритилган маънавий бойликларга ҳам яқун ясашни одат қилган. Адабиёт ва санъат эса, маънавий бойлик орттириш марказида туради.

Иттифоқ микёсида адабиёт ва санъатимиз катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек ёзувчилари ҳам бу беш йилликда меҳнат ваҳтасида турдилар ва бадиий ижод байроғини янада баландроқ кўтариб, халқ хизматида бўлдилар"<sup>3</sup>. Адабий обзорда дастлаб танқидчи ёзувчиларнинг адабиётимизга янги образлар сифатида киритилган, шу билан бирга деҳқонларнинг жонли образини яратиш йўлидаги изланишларига диққат қаратади. Ш.Рашидовнинг "Ғолиблар" романидаги Ойқиз ва Олимжон, А.Мухторнинг "Чинор" романидаги Ориф, П.Қодировнинг "Мерос" романидаги Ёлқин Отажонов, Ҳ.Ғулумнинг "Бинафша атри" романидаги Азиз ва Дилдор каби образлар ёзувчиларнинг ҳаётни узок вақтлар ўрганиб, тўлақонли характерлар яратишлари натижасида яратилганлигини

<sup>1</sup> Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди жанрлари. Фил.ф.д. .... дисс. 2011. 77-бет.

<sup>2</sup> Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Ленинградское отделение. Советский писатель. 1980,-с. 46.

<sup>3</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. Тошкент. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 14-бет.



таъкидлаб ўтади. Обзorida адабиётда фақат деҳқонлар образи яратилмасдан, ишчи, олим, журналист ёки адиб образини яратишга ҳам эътибор қаратганлигига ҳам диққат қаратилади. Жангчи (Ш.Рашидов, Н.Сафаров, И.Раҳим), кончи (Ш.Алядин), курувчи (С.Кароматов, Омон Матчон), эскваторчи, чўпон (Ш.Холмирзаев, ишчи (М.Қориев), темир йўл хизматчиси (Ж.Абдуллахонов) образлари яратилганлигини кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари ўша даврда ёзилган очеркларда эса тўқувчи, ипакчи, университети профессори, газета ва журналларнинг оддий ходими, олим, ўқитувчи, шифокор – булар “беш йилликда адабиётдан ўрин олган қаҳрамонларнинг географияси” сифатида кўрсатилади.

Мунаққид адабиётнинг бошқа турларида яратилган асарларга ҳам эътибор қаратади.”Бир жанр ёзувчиси илғай олмаган ҳақиқатни иккинчи бир жанр ижодкори илғаб олди, бир жанрда акс эттирилиши қийин бўлган ҳаёт материали иккинчи бир жанрда ўз аксини топади. Ҳаёт ҳақиқатини кўламлироқ ва чуқурроқ англашда катта авлодга мансуб шоирларимиз билан бир қаторда кейинги авлод овози баралла янграб турди”<sup>4</sup>. Китобхонлар дилини туғёнга солиб, уларни янгилик сари илҳомлантириб турган А.Орипов шеърлари, “баъзан социал-фалсафий, баъзан лирик планда” яратилган Э.Воҳидов, Ҳ.Худойбердиеваларнинг майин ва жозибали шеърлари китобхонлар дилини қувонтираётганини ҳақли равишда эътироф этади.

Драматургия ҳақида гапирар экан, ҳаётда учрайдиган иллатларни фош қиладиган, баъзан драматик, баъзан комик-сатирик йўсинда асарлар яратилаётганлиги, улар томошабинларнинг руҳий дунёсига таъсир ўтказаётганлигини ҳам қайд этади.

Бу давр адиблари ўтмиш мавзусига ҳам мурожаат қилиб, уни бугунги кун хизматиға қўя олаётганларини О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Уйғуннинг “Абу Райҳон Беруний”, Омон Матчоннинг “Беруний” асарлари мисолида кўрсатиб беради. Ёзувчи ва шоирларимизнинг бугунги кун ҳаёт материалларига мурожаат қилиб, одамларнинг умуминсоний вазифаларини адо этаётганликлари улуғлаш, унинг асрий илдизларига назар ташлаб, ҳаёт ҳақиқатини бу гал билвосита улуғлаганларини таъкидлаб, “Мана ўзбек ёзувчиларининг бу беш йилликда адабиётимиз ва санъатимиз тараққиётиға қўшган ҳиссаларининг қисқача обзори” деб кўрсатади. Бу жараёнда ёзувчи меҳнатининг машаққатлар эвазига яратилишини деҳқон, ишчи, олим меҳнати билан қиёслаб, маълум ҳулосалар чиқаради.

Адабий обзorida қайси бир давр адабиёти ўрганилар экан, эришилган ютуқлар билан бир қаторда адабиёт ривожига тўсиқ бўлаётган нуқсонлар ҳам кўрсатилади. М.Қўшжонов ҳам давр адабиётидаги нуқсонларни қуйидагича кўрсатади: 1. Баъзи асарларда психологик таҳлилнинг етишмаслиги, баъзи ёзувчиларнинг психологик ҳолатни акс эттириш ўрниға далил ва воқеаларни қайд қилиш йўлиға ўтишлари, бу эса китобхонларда завқ уйғотмаслигига олиб келиши. 2. Баъзи асарларнинг тасвир жиҳатдан камбағаллиги, уларда ҳақиқий саъаткорға хос “ўймакорлик”, “заршунослик” етишмаслиги. 3. Қаҳрамон характерини тасвирлаш учун деталларни батафсил бериш ўрниға баён йўлиға ўтиб олиш, бу хилдаги асарларнинг эстетик талабға жавоб беролмаслиги. 4. Баъзи асарларда ҳаёт зиддиятларининг етарлича ўрганилмаслиги, ҳаёт материални қизиқарли қилиб бериш йўллари – сюжет ва композиция усуллари устида етарлича ишламаслик. 5. Поэтик асарларда ҳам воқеалар қайд қилинади, эстетик жиҳатдан бақувват образлар яратиш ўрниға, “кўпроқ баландпарвоз гапларни” йиғиб, ҳажмни ошириш, шоирнинг шахсий

<sup>4</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. Тошкент. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 17-бет.



талаби асосида иш кўриш натижасида бадиий кашфиёт даражасидаги асарлар яратилмаётганлиги.6.Баъзи заиф драматик асарларда ролларни ижро этадиган диди паст актёрларнинг масхарабозга айланиб қолаётганлиги. Бу нуқсонлар туфайли адабиётнинг “хали ҳам ҳаёт тараққиётидан орқада қолаётганлиги, ўз олдида турган вазифаларни етарли даражада адо эта олмаётганлиги” мунаққидни ташвишга солади. Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, бу камчиликлар қайси шоир ёки адибнинг қайси асарида учраши аниқ кўрсатилмайди, танқидчи умумий фикрлар билан чекланади.

Хронологик обзорда М.Қўшжонов адабий танқидчилик ривожини, унда қатор сифат ўзгаришлари рўй бераётганлигига ҳам тўхталади. Давр танқидчилигининг олдинги даврларда кўпроқ адабиёт орқасида “судралиб” юришдан “адабиёт fronti”нинг олдинги сафларидан ўрин олаётганлиги олим эътиборини тортади. Бу ўринда у қиёслаш усулидан фойдаланади: илгари адабий танқидчилик эстетик жиҳатдан етарли саводли бўлмаганли туфайли кўп масалаларни тўғри ҳал қила олмаганлиги, ҳозир эса танқидчиларнинг эстетик жиҳатдан ўсганлари, уларнинг ҳаёт материалини тасвирлаш йўллари- “адабий принциплар ва бадиий приёмларни бир нуқтага олиб, таҳлил қилишга” ўтганликларини кўрсатади.

Зукко мунаққид очик-ойдин айтмаса-да, XX аср бошларида бадиий асарга бўлган субъектив муносабат, китобхон билан адабий-танқидчи орасидаги узилиш бўлганлигига ҳам ўз фикрини билдиради: “Китобхонга ёқиб тушган, унга ҳар томонлама озуқа берадиган асарлар танқидчилик томонидан кескин қораланар, баъзан эса бутунлай йўққа чиқариб юборилар эди. Бу ишда ҳар хил приёмлар ҳам ишлатиларди – дўқлар, кўрқитишлар, тухматлар”. Танқидчи қайси даврни ва кимларнинг асарларини кўзда тутаётганлигини бугун англаб етиш қийин эмас.

Танқидчиларнинг образларни малакали таҳлил қилиш усуллари эгаллаб олганликлари ва бу усулнинг адабий танқидга кириб келиши танқидчининг иш услубини ўзгартиришига сабаб бўлди деб ҳисоблайди олим. Баъзан учраб турадиган дўқ-пўписа ўрнини мантиқли таҳлил эгаллаганлиги, маданийлик, хайрихоҳлик билан ёзувчига таъсир ўтказиш йўллари топилганлиги ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга танқидчи билан ёзувчи ўртасидаги адабий танқидга муносабатларга ҳам ойдинлик киритилади.

М.Қўшжонов адабий танқиднинг қўлга киритган ютуқлари кўп бўлганлигига қарамай, камчиликлар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирадики, бу адабий обзорнинг талабларидан бири ҳисобланади. Белинскийнинг “бадиий асарни баҳолаганда шошилмасдан иш кўриш керак” деган фикрларига кўпинча эътибор қаратмаслик, шошма-шошарликка йўл қўйилиши, баъзан битта асар ҳақида бир-бирига зид икки фикр пайдо бўлиши, бирида асар асосиз кўкларга кўтарилиши, иккинчисида далилсиз камситилишини танқид қилади. Бунга мисол тариқасида ёзувчи М.Қориевнинг “Афросиёб гўзали” қиссаси юзасидан билдирилган В.Зоҳидов ҳамда У.Норматовларнинг бир-бирларига зид фикрларини келтиради, уларга муносабат билдиради.

“Баъзи ўринларда адабий танқидчилигимиз замонавий темада ёзилган бадиий асарларни диққат марказида тутмайди, уларнинг таҳлилида замондошларимиз характерини акс эттирадиган образларни кенг планда тадқиқот қилишга кам ўрин беради. Айрим пайтларда адабиётимиз тарихидаги баъзи бир масалалар юзасидан “мунозарали” гап айтгандай бўлиб, “арзон” ном чиқармоқчи бўладилар. Маълумки, Абдулла Қодирий ижодининг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни ҳақида танқидчилик ва адабитёшуносчилигимизда тўғри ва объектив фикрлар айтилди”<sup>5</sup>. Шу жараёнда танқидчи

<sup>5</sup> Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. Тошкент. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 22-бет.



Э.Каримовнинг “Реализм ва инсонни тасвирлаш санъати” мақоласида Отабек образининг нотўғри талқинига танқидий муносабат билдиради. Отабекнинг прототиби сифатида Аҳмад Донишнинг кўрсатилишига қарши чиқади.

Шарҳланаётган даврда танқидчи адабиёт илмининг янги сифатлар билан бойиганлигига ҳам тўхталади. Адабиёт тарихида “из қолдирган ва қолдириши мумкин бўлган” адиб ва шоирларнинг ижодларини алоҳида ўрганиб, йирик монографиялар, ўзбек ва рус тилларида ўзбек адабиёти тарихининг яратилганлиги, жамоавий тарзда катта қўламдаги тадқиқотлар юзага келаётганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга танқидчини адабиёт илмининг ҳали ҳаёт талабидан орқада қолаётганлиги, бутун бир давр муаммоларини қамраб оладиган, адабий ижод қонуниятларини чуқурроқ ўрганадиган юқори савиядаги ишларнинг камлиги, адабиётнинг муҳим масалалари юзасидан баҳс ва фикр олишувларнинг етарли эмаслиги қониқтирмайди. Мунаққид адабиёт ва адабиётшунослик ривожини учун муҳим масалаларни белгилаб беради, сон жиҳатдан ишлар кўплиги, сифат масаласига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Обзорда шўро даври мафкураси билан боғлиқ қарашлар, бугунги кунда эскирган мулоҳазалар ҳам ўрин олганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим бўлади. Шунга қарамай, мазкур адабий обзорнинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади: биринчидан, XX асрнинг 70 йиллари бошидан 75 йилгача бўлган давр ва унда яратилган асарларга баҳо берилган, иккинчидан, мунаққид ютуқ ва камчиликлар ҳақида оширма-тоширмай, холис фикр юритган, учинчидан, бугунги кун ўқувчисига шу давр адабиёти, адабий жараёни ҳақида ёрқин тасаввур уйғота олади.